



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 178-179 (12.239-12.240)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хоржий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Жумладан, Россия Федерацияси Президенти томонидан йўлланган табриқда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингиз остида давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида юксак ютуқларга эришди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори салмоқли даражада юксалди.

Стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойилларига асосланган кўп томонлама Россия — Ўзбекистон муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, фаол сиёсий мулоқот, ўсиб бораётган савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданий-гуманитар соҳада кенг алоқалар мамлакатларимиз халқларининг манфаатларига тўла-тўқис мос келади, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қилади.

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Сизга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса равнақ, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллашган:

Япония Императори **Акихито**;

Буюк Британия Қироличаси **Елизавета II**;

Австрия Республикаси Федерал Президенти

Хайнц Фишер;

Латвия Республикаси Президенти

Андрис Берзинш;

Словакия Республикаси Президенти

Иван Гашпарович;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

Халифа бин Зоид Ол Наҳаён;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти, Бош вазири,

Дубай амирлиги ҳокими

Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;

Эрон Ислам Республикаси Президенти

Махмуд Аҳмадинежод;

Озарбойжон Республикаси Президенти

Илҳом Алиев;

Тожикистон Республикаси Президенти

Имомали Раҳмон;

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси

Президиумининг Раиси

Ким Ён Нам;

Туркистон-Америка уюшмасининг раиси

Абдулла Хўжа;

«Сока Гаккай Интернэшнл» Президенти

Дайсаку Икеда.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҶҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 30 августда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини давлат раҳбарининг қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи Сиёсий Фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Муҳокама давомида сенаторлар таъкидлаб ўтганларидек, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ҳамда вазифаларини, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг ялпит тизимидир.

Сенаторларнинг фикрича кўра, ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ривожланган демократик давлатлар сафидан ўрин олишига, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничлик ҳудудини яратишга ёрдам беради. Батафсил муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси-

даги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидан бўлиб, у хусусий мулкни ҳимоя қилишни кучайтиришга, унинг дахлсизлигининг ишончли кафолатлари тизимини яратишга, мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши иқтисодийда хусусий мулк самарали амал қилиши учун қулай шарт-шароит яратиш имконини беради, тadbirkorлик ташаббуси рағбатлантирилишини, шунингдек, мулкдорнинг ўз фаровонлигини оширишга қаратилган тadbirkorлик фаолияти кафолатларини таъминлайди, бу эса мамлакатда бозор муносабатларини янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Сўнгра сенаторлар Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Муҳокама давомида ушбу қонун айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тартибдаги процессуал мажбурият чораларини суд тартибда қўллашни, жиноят ишини кўзғатиш ҳуқуқини суднинг ваколатларидан чиқариб ташлашни, ишни судда кўриш вақтида жиноят иши юзасидан айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини прокурорга юклашни назарда тутиши кўрсатиб ўтилди.

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Яккасаройликларга мақсадга интилувчанлик, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, давлат дастурлари ва маҳаллий дастурларни амалга ошириш масалаларида янги, қутилмаган ечимларни излаб топиш хос бўлиб, бу туманни жадал ривожлантиришга, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига кўмаклашади.

Шу йилнинг ўтган олти ойи давомида саноат маҳсулотларини сотиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоизга, халқ истеъмоли молларини сотиш ҳажми — 58,3 фоизга, чакана савдо айланмаси — 15,8, пулли савдо айланмаси — 7,3 фоизга ўсди. Иқтисодийнинг ўсиш суръатларига саноатни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция ва модернизация қилиш, сармоёларни жалб этиш ҳисобига эришилмоқда. Йил бошидан буён туманга 207,6 млрд сўмлик сармоёлар жалб қилинган бўлиб, улар халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантиришга йўналтирилди. Ҳозирги пайтда саноат тармоғини фаол ривожлантиришда «Тошкенттекстиль» КК, «Муруват-текс» МЧЖ, «Зета текс» ХК МЧЖ, «Контекст-Ташкент» ХК, «Вита-Вит плюс» МЧЖ, «Тошкент йўловчи вагонлари таъмирлаш

заводи» ОАЖ, «СРЕСС Tashkent» МЧЖ ва бошқа кўпгина корхоналар етакчилик қилмоқда. Айни пайтда уларда янги технологиялар жорий қилинмоқда, доимий равишда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турлари кўпайтирилмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича 14 та лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилгани маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 8 та корхонага тўлиқ прогност кўрсаткичларини бажаришга кўмаклашади. Улар шу йилнинг олти ойи давомида 4 млрд сўмлик сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Ушбу корхоналар томонидан 9 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

(Яккасарой туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамкорлигида «Сайёҳлик соҳасини ривожлантириш истиқболлари: муаммолар ва ечимлар» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Қутлуғ байрам арафасида Фаргона ва Қувасой шаҳарларида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Ягона ойна» тамойили асосида фаолият юритадиган марказлар фойдаланишга топширилди. Уларда миҳозларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Фаргона шаҳридаги Қиргули мавзесида ишга туширилган янги марказда аҳолига симсиз ва юқори тезликда ишлайдиган интернет, СДМА-450 стандартидаги симсиз стационар телефон каби янги хизмат турлари таклиф этилмоқда.

● Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизнинг барча жойларида янги барпо этилган бинолар, гўзал хиёбонлар, равон йўллар, мухташам кўприклар, замонавий ишлаб чиқариш объеклари ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилаёттир. Шуманай туманидаги «Бегжап» овул фуқаролар йиғини ҳудудида «Қурилишсервис-Шуманай» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишга туширилган гишт заводи ҳам байрамга муносиб тухфа бўлди. Йилга 25 миллион дونا сифатли гишт ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонада эллик нафардан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг компьютер техникаси, мобил телефонлари ва дастурчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи «Apple» компанияси жаҳондаги энг қиммат саноат корхонаси, деб топилди. ВВС ахборот хизматининг маълум қилишича айни вақтда Доу Джонс индекси бўйича мазкур компания акцияларининг баҳоси 620 миллиард АҚШ долларидан ошади.

● Мексика кўрфазидан нефть қазиб олувчи компаниялар иш фаолиятини вақтинча тўхтатди. Боиси мамлакатда «Исаак» тропик бўрони турган. Нефтни қайта ишловчи «BP», «Royal Dutch Shell», «Apache Corp» ва «Murphy Oil Corp» корпорациялари мазкур кўрфаздан «қора олтин» қазиб олишни ҳозирча тўхтатди. Хаббарларга кўра, мазкур кўрфаз атрофидан қирқдан зиёд платформ ва ўнга яқин бурғилаш ускуналари хавфсиз ерларга кўчирилган. Соатига 160 километр тезликда ҳаракатланаётган тропик пўртана оқибатида АҚШнинг Флорида, Луизиана, Алабама ва Миссисипи штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

● Германиянинг «Emami Design» компанияси янги турдаги митти USB-флешка — маълумотлар сақлаш қурilmасини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. «Looro» номли ушбу флешкани қўл телефони, калит ёки ҳамён каби исталган буюмга брелок сифатида осиб юриш, ҳатто ундан тақинчоқларнинг зийнат тоши сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Компания вакиллари айтишича, бу митти қурilма сумкасиз юрадиганлар учун жуда қўл келади.

(Давоми 2-бетда)

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Одатда, «Яккасарой» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Нигмон Низомов эрта тонгдан ўз хонасига келиб, одамларни қабул қилишга ҳозирлик қилади. Аҳоли унга турли ҳаётий масалалар бўйича муурожаат қилади ва раис ҳар бир сўзни диққат билан тинглайди. Қўлидан келса, ёрдам беради, ҳеч бўлмаганда, маслаҳатини аямайди. Тажрибаси камлик қилса, маҳалла фаолларини – катта ҳаётий тажрибага эга оқсоқолларни йиғди ва албатта, муаммонинг ечимини топади.

– Бизнинг асосий мақсадимиз, – деб сўз бошлайди Нигмон Низомов, – 1980 та оиланинг турмуши учун қўлай шарт-шароитларни яратиш, маҳаллада ўзаро ҳурмат муҳитини сақлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. Биз ахил яшаймиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз, шу сабабли кўп ишларни уудаладик. Сўнгги пайтларда ҳашар йўли билан маҳалла гузарини барпо этдик, у ерда турли тадбирлар, учрашувлар, ҳар хил танловлар ўтказилади. Гузар ўзига хос маънавият ўчоғига айланди. Бу ерда чойхона ҳам мавжуд бўлиб, у ерда бир пиёла чой устида катта авлод вақиллари тўпланишиди. Уларнинг маслаҳатини олиб, бой ҳаётий тажрибасига таяниб, ҳаётий масалаларнинг муваффақиятли ечимини топмоқдамиз.

Маҳалла аҳолиси билан суҳбатда бундай ютуқларга эришишда фуқаролар йиғини раиси Н.Низомовнинг хизматлари алоҳида таъкидланди. Оқсоқол туман ҳокимилиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИХ билан яқин ҳамкорликда маҳаллада кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Унинг ташкилотчилик қobiliятлари туфайли маҳалла ҳудудини ободонлаштириш

Туманда яқинда бўлиб ўтган «Энг намунали маҳалла» кўрик-танловига «Яккасарой» маҳалласи иккинчи ўринни эгаллади.

ва кўкаламзорлаштириш ишлари аҳиллик ва уюшқорлик билан амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён маҳалла ҳудудидан 150 тонна чиқинди олиб чиқиб кетилди, бир мингдан зиёд мевали

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

ва манзарали дарактлар, 40 мингга гул кўчатлари экилди. Маҳалла аҳли шахар ҳокимиятининг пойтахтимизни янада обод ва гўзал қилиш давлатига амалий иш билан жавоб бераётганликлари билан фахрланишди.

Маҳаллада кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик ривожланмоқда, бунинг ҳисобидан 117 киши шу йили доимий иш билан таъминланди. Бу ерда 20 га яқин савдо-маиший йўналишдаги корхоналар жойлашган. Кийим-кечак тикиш бўйича иккита цехда маҳаллада истиқомат қилувчи 30 нафар хотин-қизлар касаначилик асосида меҳнат қилмоқда. Маҳалла ҳудудига фаолият юритаётган барча корхоналар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал қилишда, маҳалланинг ижтимоий дастурларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

– Янги йил байрамидан тўрттиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўнигача бўлган барча байрамларини

маҳалла аҳли бирга нишонлайди, – дейди Нигмон Низомов. – Бирон бир хонадонда мотам бўлса, маросимларни қўни-қўшилар иштирокида адо этамиз.

Ижтимоий ёрдам масаласига келсак, Маҳалла фуқаролар йиғини Иккинчи жаҳон урушининг тўққиз нафар иштирокчисини, 49 нафар меҳнат fronti қатнашчисини, олти нафар Афғонистондаги уруш қатнашчисини, 30 та кам таъминланган оилани ўз ҳомилигига олган. Бу инсонлар доимий равишда маҳалладан моддий ёрдам олиб туради – йил бошидан буён ушбу мақсадларга беш миллион сўмга яқин маблағ сарфланган.

Таъкидлаш керакки, оқсоқол қанчалек доно ва тажрибали бўлмасин, бу ишларни ёлғиз ўзи уудалай олмайдди. Низомовнинг ёнида ишонган ёрдамчилари – ўз юрдошлари фаровонлиги учун сидиқидилдан қайғурадиган маҳалла фаоллари бор.

Масалан, маҳалла хотин-қизлар кенгаши (Мунира Рихсиева) ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Моҳира Алимаҳсумова олиб бораётган ишлар диққатга сазовор. Улар ёшлар тарбияси, оилавий мунозараларни ҳал қилиш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вақтинчалик ишламаётган фуқароларни иш билан таъминлаш масалаларида жонбоқлик кўрсатмоқда.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Бутунги кунда республикамизда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат тармоғи учун истеъмоқ моллари ҳамда болалар кийимларини ишлаб чиқарувчи юзлаб замонавий кичик корхоналар ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият олиб бормоқда.

«ZETA TEKS» ички бозорга маҳсулот чиқарибгина қолмай, ўз товарларини ташқи бозорга ҳам тақлиф этмоқда. Корхона маҳсулотлари Козогистон ва бошқа қатор давлатларга экспорт қилинмоқда. Утган даврда экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 1 млн. 420 миң АҚШ доллари ташкил этди.

Корхонада ишчилар учун барча қўлайликлар яратилган: бепул иссиқ овқат, кўч тарқатиш ташкил этилган, барча ишчилар махсус кийимда меҳнат қилади, цехларда микроклим таъминланган.

Ўз даромадининг катта қисминини Корхона хайрия ишларига йўналтиради. Шу йилнинг ўзига Усмон Носир маҳалласига 5,3 млн.сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, туманда йўллар қурилишига эса 4,5 млн.сўм ажратилди. Корхонада «Устоз – шогирд» анъанасини жорий этишга ҳам катта эътибор

қаратилмоқда. Қўшма корхона ва Яккасарой ҳамда Миробод туманларининг тўққиз нафар ишчилари билан талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш ва ёш мутахассисларни ишга joyлаштириш бўйича уш туманлама шартномалар тўзилган. Бу борда муайян натижаларга эришилмоқда. Ҳар йили назорат коллежаларнинг 15-20 нафар талабаси «ZETA TEKS» корхонасига ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, ўқини битирган, шу ерда ишга joyлашмоқда.

Корхона раҳбари Фахриддин Ўзбеконинг айтишича, яқин кунларда юқори самарали ишларни ўрнататиш эвазига корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини икки бараварга кўпайтириш, харидорнинг маҳсулот турларини кенгайтириш, экспорт ҳажминини ошириш йўлжизларини муҳим ҳисобланади. Бу эса қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДАГИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сибсатнинг устувор йўналишларини фуқаролар соғлиғини муҳофиза қилиш, ўсиб келаётган баркамол авлоднинг тарбиялаш ташкил этди. Яккасарой туманида соғлиқни сақлаш тизими жиддий тарзда замонавийлаштирилди, йилдан йилга соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Туманда 115 миң киши истиқомат қилади. Уларнинг қарийб барчаси тўртта оилавий поликлиникаларда бирлашган тиббий-санитария ёрдамида олади. 2006 йилдан бошлаб улар умумамалиёт шифокори тизими бўйича ишламоқда, бу эса тез тиббий ёрдам хизматига вақтида муурожаат қилиш, болалар ва оналар ўлими ҳолларини камайтирашга ёрдам бормоқда. Сўнгги уч йил давомида биронта оналар ўлими ҳолати қайд қилинмади. Кейинги пайтларда улар биохимий анализаторлар, дистилляторлар, шунингдек, кабинет мебель ансамбли тўплами, болалар тарозиси, бўй ўлчаш мосламаси ва хусусий портатив аппаратлар, ҳар бир умумамалиёт шифокори учун ЭКГ мосламаси билан жиҳозланди.

Флюорография, ЭКГ, давлолаш жисмоний тарбия, уқалаш хоналари, кундузги стационар, клиник лаборатория ва бошқа хоналар узуқисиз фаолият кўрсатмоқда. Бирламчи бўлин туман стационар хизмат ўртасида ворисийлик йўлга қўйилган.

Туманининг етакчи амбулатория-поликлиника муассасаси – стационар бўлинмага эга. Марказий кўп профили поликлиника (МКП) ҳисобланади. У кунига 730 та ташрифга мўлжалланган. Бу ерда меҳнат қилаётган 26 нафар тур мутахассис шифокорлари ўз малакавий тоифаларига эга. Бу ерда замонавий тиббий-диагностика, лаборатория жиҳозлари ўрнатилган, беморларни қабул қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир кабинетда барча ёшдаги аҳоли учун комплекс тиббий кўридан ўтказиш, диагностика, зарур муолажаларни бажариш бўйича барча имкониятлар яратилган.

Бундан ташқари, «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида поликлиника биохимий анализатор, дистиллятор, ФЭК, центрифуга билан жиҳозланди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

МКПнинг Муяссар Анорбаева, Индира Йўлдошева, Мирқамола Муҳамедова каби шифокорлари кўп йиллик иш тажрибасига, юқори малакага эга бўлиб, улар ҳар бир беморга алоҳида диққат ва гамаўрлик билан ёндашади.

Дарҳақиқат, тиббий хизматлар сифати кўп жиҳатдан шифокорларнинг касбий малакасига боғлиқдир. Сўнгги беш йил давомида оилавий поликлиникалардаги 64 нафар тиббий ходимини умумий амалиёт шифокори сертификатига эга бўлиб, 86 нафар тур мутахассисликлар шифокорлари пойтахтимизнинг йирик шифо масканларида малака ошириш курсларида таълим олишди. Олинган билимлар уларнинг амалий фаолиятида ёрдам беради, тиббий хизматлар сифати ва самардорлигига ижобий таъсир қўратади.

МКП негизда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси (ТББ) жойлашган бўлиб, бу кўп жиҳатдан тумандаги оилавий поликлиникалар ва бошқа тиббий муассасаларнинг давлолаш-профилактика фаолиятини ташкил этишга, уларни сифатли ускуналар, янги мебельлар билан жиҳозлашга қўмаклашди (4 та диспансер, 1-сонли болалар стоматология поликлиникаси, болалар юқумли касалликлар касалхонаси, турғуҳона мажмуи). Буларнинг барчаси сўнгги беш йил давомида туман аҳолиси саломатлигининг жиддий равишда яхшиланишига имкон берди. Бир сўз билан айтганда, эпидемиологик вазият назорат остида.

Саҳифа материалларини
Отабек ОТАЁРОВ тайёрлаган
Козим Улмасов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ҳамда «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ушбу қонуннинг асосий мақсади амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини биржилаштириб, барча ташкилотларда меҳнат ҳақини меҳнатга ҳақ тўлашининг Ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган миқдорда белгилашдан, шунингдек, солиқ қонунчилигини янада такомиллаштиришдан иборат.

Сенаторлар, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Қонун авиация тармоғининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, Ўзбекистон Республикаси ишчиликчи бўлган халқаро шартномалар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга, шунингдек, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти комиссиясининг (ИКАО) тавсияларини бажаришга қаратилган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан киритилган Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳри ва Фарғона тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлиф кўриб чиқилди. Мамлакат ҳуқуқининг ушбу тақлифини маъқуллаш Фарғона вилоятининг маъмурий-ҳудудий бўлинишини такомиллаштиришга, ҳудудларнинг ялпитлигини ва ушбу ҳудудий бирикларни бошқариш самардорлигини оширишга, маҳаллий аҳоли учун шароитларни янада яхшилашга ёрдам бериши қайд этилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этилганидек, Марказий банкнинг 2011 йилдаги фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримов томонидан Вазирлар Маъкамасининг 2011 йил 21 январдаги 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдулари ҳамда 2011 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисда белгилаб берилган вазифаларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарорини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2011 йил 15 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирни Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўли» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қўшма қарорини сўзсиз бажаришга қаратилди.

2011 йилда мамлакат банк тизими фаолиятининг устувор йўналишлари ислохотларини янада чуқурлаштиришдан, мамлакат банк тизимининг самардорлигини, барқарорлигини ва ликвидлигини оширишдан, етакчи халқаро рейтинг компанияларининг юқори рейтинг кўрсаткичларини қўлга киритишдан иборат бўлди. Макроиқтисодий барқарорлигининг мустаҳкамланиши ва инфляция даражаси мақсадли параметрлар доирасида сақланиши таъминланди. 2011 йил якуни бўйича инфляция даражаси 7,6 фоизни ташкил этди, тижорат банкларининг умумий капитали 30,1 фоизга ўсди. Бундан ташқари, банкларнинг барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш бўйича амалий чоралар қўрилганлиги банкларнинг активларини 32,4 фоизга кўпайтириш имконини берди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўли» Давлат дастури доирасида катта қўламада ишлар амалга оширилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпайди ва 4,1 триллион сўмини ташкил этди, шу жумладан микрокредитлар ҳажми 752 миллиард сўмдан ошди ва бу кўрсаткич 1,5 баравар кўпайди. Ушбу соҳага ажратилган кредитлар ва микрокредитлар мамлакат миқдотларидега 291 миңдан ортиқ иш ўрни ташкил этилишига ёрдам берди.

Аҳолининг ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб этишни рағбатлантириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар омонатлар ва депозитлар ҳажмини 2010 йилдагига нисбатан 36,3 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Шу билан бирга, сенаторлар ҳисобот юзасидан ўз қишуларига бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодийни либераллаштиришнинг гоят муҳим омили ва шартли сифатида мамлакат банк-молия тизимининг барқарорлиги ҳамда самардорлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг роли ва аҳамияти муҳимлигига эътиборни қаратдилар. Мамлакатимиз миқдотларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги энг муҳим устувор вазифаларни ҳал қилишда банк-молия тизими субъектлари маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилишининг роли ва аҳамияти алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
матбуот хизмати

ҲАСТАЛК ЭЛЕДАСТУЛАР

Бошма (6-бетда)

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

ЖУМА, 7

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

ШАНБА, 8

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

ЯКШАНБА, 9

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Ўзбекистон 5.55 Курساتулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

МАҲАЛЛАЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 19 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида амалга ошириладиган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари байрамига ўзгача шукух бағишламоқда.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида ҳам Энг улуг, энг азиз байраминизга қизгин тайёргарлик кўрилди. Таълим муассасалари, кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектлар атрофи янада обodonлаштирилди.

Байрам арафасида Усмон Носир номидаги маҳаллада тўртта болалар майдончаси бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди. Ушбу майдончалар ва уларадаги аттракционлар болалар учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Н.АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири

АЗАЛИЙ КАДРИЯТЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Ички ишлар вазирлигининг маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида маънавий - маърифий, адабий-муסיқий байрам тадбири ўтказилди.

Буқ Истиклолимизнинг кутлуг йигирма бир йиллиги арафасида, халқимиз, миллатимиз тақдиридан энг ёнқин давларни, ўтган йиллар залворини сарҳисоб қилиш ҳар биримизга жекис гурур, завқ-шавқ бағишлайди.

Тарих фанлари доктори, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи раҳбари Жаннат Исмоилова, профессор Абдуваҳоб Кўчқоров, шоирлар Файрат Мажид, Абдуғани Сулаймон, Республика Маънавий тарбия маркази масъул ходими Мамадали Эроновлар тадбир иштирокчиларини байрам билан муборакбод этиб, Мустақиллик айна пайтада маънавияти-имизни ахралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятимизни ривожини, ватанпарварликни мустаҳкамлашга ҳам йўл очганини таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, тадбирда эстрада хонандалари ижросида куй-қўшиқлар янгради. Тадбир давомида кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнатлари, туманинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаол иштироки учун бир қатор маданият, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси, корхона ва ташкилот вакиллари Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Даврон ИСМАТОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Хадра майдони. Ташкилотчи: ТОШКЕНТ ЦРКИ. 31 августдан бошлаб 2012-2013 йилги маъсулнинг очулиши. Ўзбекистон Республикаси цирки етакчи усталари иштирокида катта байрам дастури. 31 августдан бошлаб 2012-2013 йилги маъсулнинг очулиши.

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида 29 август куни XXX ёзги Олимпия ўйинларининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди.



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олим сурат

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, мураббийлар, журналистлар йиғилди.

Таъдбирда спортчиларимизнинг Лондон Олимпиадасидаги иштироки ва эришган муваффақиятлари Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси экани таъкидланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт иншоотларида, умуммиллий ҳаракатга айланган мусобақаларда тобланган ёшларимиз бугун энг нуфузли халқаро турнирларда, китъа ва жаҳон чемпионатларида юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида ҳам спортчиларимиз ўз маҳорати ва салоҳиятини намойиш этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори билан спортчиларимизга барча зарур шарт-шароит яратилди. Бунинг натижасида 53 нафар олимпиячи мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, спортнинг ўн беш тури бўйича Олимпия ўйинларида йўлланма олди.

Бу Лондондаги асосий беллашуларда ҳам ўз самарасини берди. Жумладан, эркин курашчи миз Артур Таймазов бу гал ҳам бош совринни қўлга киритиб, уч карра Олимпия чемпиони, деган юксак номга сазовор бўлди.

Дюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби Ришод Собиров, бокс бўйи-

ча икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва эркин кураш бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Сослан Тигиев Ўзбекистон

лантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли орзуларим ушалди. Давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланганим, айниқса, бу унвонни Президентимиз топширгани мени янада мамнун этди.

– Президентимиз Олимпиада ғолибларига юртимизнинг юксак унвонларини топширгани, янги зафарлар тилагани бизга катта куч-ғайрат бағишлади, – деди Ришод Собиров. – 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида янада масъулият билан тайёргарлик кўрамайиз. Олтин медални қўлга киритиб, давлатимиз раҳбарининг юксак ишончини оқлаймиз.

Уч карра Олимпия чемпиони Артур Таймазовга «Малибу», Лондон Олимпиадаси бронза медаллари совриндорлари – Аббос Атоев, Ришод Собиров, Сослан Тигиевга «Ласетти» автомобиллари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов топширди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА муҳбири

МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

спорт делегацияси ҳисобига биттадан бронза медали кўшди.

– Лондон Олимпиадасида Ўзбекистон номи, давлатимиз мадҳияси баралла янграшига ўз ҳиссамни қўшиб, Президентимиз Ислоҳ Каримовга берган ваъданинг устидан чиққанимдан хурсандман, – деди эркин кураш бўйича уч карра Олимпия чемпиони Артур Таймазов. – Биз, спортчилар эришган муваффақиятлар – бутун халқимизнинг ютуғи. Камтарона меҳнатимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлагани учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

– Олимпиада ўйинлари шохсупасига кўтарилишни болагимдан орзу қилар эдим, – деди Аббос Атоев. – Мамлакатимизда спортни ривож-

Маълумки, деярли бир ой мобайнида шаҳримиздаги болалар спорт мажмуаларида «Мустақкам оила йили» ва Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб, «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» мусобақалари бўлиб ўтди.

Саломатлик — туман бойлик

ОИЛАВИЙ МУСОБАҚАЛАРДА — ЭНГ КУЧЛИЛАР



Оила аъзоларининг соғлом бўлиши, айниқса болажонларимизнинг ёшлигидан спортга ошно ҳолда чаққон ва абжир ўсишини таъминлашдек хайрли мақсадларни қўзлаб ташкил этилган маъмур мусобақаларда шаҳримиз туманларидан кўплаб оилалар иштирок этиб, арқон тортиш, ким эпчилу, ким чаққон, мерган ҳужумчи, моҳир ўйинчи каби турли ўйинлар, «Кувноқ эстафеталар» мусобақаларида ўз куч-маҳоратларини намойиш этдилар.

Куни кеча «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаларининг шаҳар финали бўлиб ўтди. Ушбу пойтахт ҳудудий ўйинларида жами 11 та туман босқичларида ғолиб чиққан энг моҳир оилалар ўзаро куч синашишди.

Барча шартлар бўйича қизил карли баҳслар ўтказилганидан сўнг ғолибларни аниқлаш учун навбат ҳакамлар ҳайъатига келди. Уларнинг батафсил ҳисоб-китобларидан сўнг Яқсарой туманидан ташриф бу- юрган Сафинлар оиласи му-

собақа шахар босқичининг ғолиби сифатида бош совринни қўлга киритди. Олмазор туманидан Давлетовлар оиласи иккинчи, Бектемир тумани вакиллари Исақовлар оиласи эса фахрий учинчи ўринни эгаллади.

Шундай қилиб, ҳудудий босқичда ғолиб чиққан энг моҳир оилалар республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Дилмурод ИСРОИЛОВ
Козим Ўлмасов
олган сурат

«Шри-Ланканинг Коломбо шаҳрида сентябрь ойининг бошларида, аниқроғи 3-8 сентябрь кунлари Халқаро футбол уюшмаси — ФИФАнинг ҳакамлар йўриқчилари учун учинчи минтақавий ўқув курслари уюштирилмоқда.

Аҳамиятлиси шундаки, ушбу курсларда ҳамюртларимиз Радик Хуббиев, Александр Попов, Сардор Нажафалиев сингари собиқ ҳакамлар иштирок этишади.

Шунингдек, 16-21 октябрь кунлари Мальдив оролларида ёш ҳакамлар учун ташкил этиладиган ОФКнинг «Келажак лойиҳаси» дастуридан ўрин эгаллаган семинарга ўзбекистонлик Наим Қосимов ҳам тақлиф этилган.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Кўргазмалар

ШУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи Давлат музейида Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган Азиза Маматованинг «Ватан ва инсон» мавзусидаги кўргазмаси очилди.

Кўргазмада портрет жанрининг устаси, кўплаб алломалар об- разларини ўз асарларида тараннум этган машҳур рассом Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азизахон Маматованинг Истиқлол йилларида яратган асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада тарихий шахсларнинг портретлари орқали жамоатчиликни, айниқса ёшларни унутилган тарих саҳифаларидан бохабар қилиш, шунингдек давлат ар- боблари ва замонамизнинг йирик олимлари, машҳур кишиларнинг портретлари орқали халқимизнинг Мустақиллик йилларида эришган ютуқларини тарғиб қилиш кўзда тутилган.

Намойишга қўйилган Бибиҳоним, Алишер Навоий, Бобур, Хонзодабегим каби темурийлар даврининг ёрқин намояндлари, давримизнинг машҳур олимлари О.Шарафиддинов, Э.Ртвеладзе, С.Шермухамедов, Н.Каримов, шоир Муҳаммад Юсуф ва бошқа машҳур кишиларнинг портретлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Таъдбир якунида меҳмонлар ва иштирокчилар учун, музей экспозицияси ва кўргазмалари бўйлаб экскурсия ташкил этилди.

Асарларни томоша қилар экансиз, ижодкорнинг юқори савиядаги маҳоратини илғаб бора-

верасиз. Портретлар шундай маҳорат ва усталик билан ишланганки, ҳар бир жараёнда машаққатли, аммо зах- хур рассом Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азизахон Маматованинг Истиқлол йилларида яратган асарлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Азизахон Мама- това жуда кўплаб рес- публика ва чет эл ижо- дий кўргазмалари ишти- рокчисидир, унинг асар- лари Россия, Англия, АҚШ каби мамлакатлар- нинг шахсий коллекция- ларида сақланади.

— Ушбу кўргазмамни Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишладим, — дейди Азизахон Мама- това. — Мен жуда кўплаб тарихий шахслар- нинг портретларини яратганман. Хусусан, «Туркистон алломалари» туркум портретларим учун давлатимиз томони- дан мукофотландим. Ал- Фарғоний, Ибн Сино, шох Бобурларнинг порт- ретларини чизиб, кўплаб кўргазмаларда иштирок этдим. Ҳар бир портрет- да инсон қиёфасидан ташқари унинг ички кўриниши ҳам акс эт- моғи лозим. Портретлар- ни яратиш жараёнида шуларга катта аҳамият бераман. Зеро, инсон портрети унинг ички гўзал дунёсини ҳам қўрсатиб туради. Умид қиламанки, бундан кей- ин ҳам кўплаб асарлар яратаман ва улар халқ- имизга манзур бўлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Спорт янгилклари

ОФК ВАКИЛЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Маълумки, 11 сентябрь куни «Пахтакор» марказий стадионида футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқичи доирасидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея миллий терма жамоалари ўртасидаги 3-тур гуруҳ беллашуви бўлиб ўтади.

Учрашуви бевосита стадионнинг ўзида кузатиш мақса- дида Тошкентга Осиё футбол конфедерацияси ҳакам- лар департаменти раҳбари Ёшими Огава ташриф бу- уради.

Айнан шу куни Байрутда Ливан-Эрон миллий терма жамоалари ҳам жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи тур беллашувида ўзаро куч синашишади. Шу боис ҳам Қатар терма жамоаси ушбу турнир ўтказиб юбо- ради. Бундан унумли фойдаланишга аҳд қилган Қатар миллий терма жамоаси мураббийлари ҳам Тошкентга келишиб Ўзбекистон — Жанубий Корея терма жамоа- лари баҳсини кузатишади. Чунки 16 октябрь куни айнан қатарлик футболчилар ўз майдонида Ўзбекистон терма жамоасини қабул қилади.

